



МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИ

Маҳмудова Дилафруз Ҳасановна

Ассистент,

Тошкент давлат Транспорт университети, Тошкент шаҳри

E-mail: dilafruztaiy@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7857544>

ARTICLE INFO

Received: 14th April 2023

Accepted: 22th April 2023

Online: 23th April 2023

KEY WORDS

Меҳнат унумдорлиги, ишчи переводва ходимлар сони, иш кунлари, иш кунининг ўртача давом этиши, маҳсулот ишлаб чиқариш, омилли таҳлил.

ABSTRACT

Ушбу мақолада корхонада меҳнат унумдорлигини “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ мисолида саноат ишлаб чиқариш ходимларига ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш даражасининг ўзгаришига таъсирини иқтисодий таҳлилнинг “Занжирли боғланиш” усулидан фойдаланган ҳолдаги таҳлили келтирилган.

Меҳнат унумдорлигининг умумлашган кўрсаткичи умумий ҳолда битта ходимнинг ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариши ҳисобланади. Унинг ҳажми фақат ишчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришга эмас, балки уларнинг саноат ишлаб чиқариш ходимлари умумий сонидаги салмоғига, шунингдек уларнинг ишлаган кунлари ва иш кунининг давомийлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Бошқа таъсир қилувчи иш куни давомийлиги, ҳафта, ой ўзгариш таъсирини қайта ҳисобламаслик учун меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлашда битта ишчига тўғри келадиган ўртача кунлик ёки соатлик ишлаб чиқарилган маҳсулотни (янги маҳсулотни) ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.


Ишлаб чиқарилган маҳсулот - меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб, маълум вақт бирлиги (соат, смена, чорак, йил), ўртача битта ходим ҳисобига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми (натурал ҳисобда) ёки унинг қийматидир. Соат ҳисобида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳар бир иш соати давомидаги меҳнат унумдорлигини ифода этади. Кун давомидаги маҳсулот ишлаб чиқариш соат ҳисобида маҳсулот ишлаб чиқариш ва иш куни давомийлигига боғлиқ бўлади. Ойлик (йиллик) маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига кун давомидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва ўртача битта ишчининг бир ойда (йилда) ишлаган кунлар сони ўзгариши таъсир кўрсатади¹.

Ўртача битта ходимга тўғри келадиган йиллик ва соатлик маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлигининг умумлашган кўрсаткичларини ифода этади. Умумлаштирувчи кўрсаткичларга: битта ишловчининг ишлаб чиқарган ўртача йиллик,

¹ Рошин С.Ю., Разумова Т.О. “Экономика труда (экономическая теория труда)” (Учебник). – М.: “ИНФРА- М”, 2000. – с. 196.



ўртача ойлик, ўртача кунлик ва ўртача соатлик маҳсулоти қийматининг ифодаси киради². Меҳнат унумдорлигининг умумлашган кўрсаткичидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни аниқлашда унга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш асосида ҳисоблаб топилади (1-расм).



1-расм. Меҳнат унумдорлигини омилли таҳлил қилиш модели

Меҳнат унумдорлигини омилли таҳлил қилиш 1-расмдаги моделда акс эттирилган ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси $Й_{и.ч.д}$ га: ишчилар сони $Х_{и.с}$, ишчининг ўртача ишлаган кунлари сони $И_{к}$, иш кунининг ўртача давом этиши $И_{к.д}$, ишчининг ўртача соатлик маҳсулот ишлаб чиқариши $С_{и.ч}$ ва ҳоказо каби омиллар таъсир кўрсатади ва уни қуйидаги кўринишда ифода этиш мумкин:

$$Й_{и.ч.д} = Х_{и.с} \times И_{к} \times И_{к.д} \times С_{и.ч}$$

Мазкур омилларнинг саноат ишлаб чиқариш ходимларига ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш даражасининг ўзгаришига таъсирини иқтисодий таҳлилнинг “Занжирли боғланиш” усулидан фойдаланган ҳолда таҳлил қиламиз.

² Абдурахмонов Қ.Х., ва бошқалар. “Меҳнат иқтисодиёти ва социалогияси” (Дарслик). - Т.: “Ўқитувчи”, 2001. – 480 б.



Таҳлилни ISO 9001:2015 сифатни бошқариш халқаро стандартга мувофиқ сертификати билан 2017-2021 йилларда тақдирланган “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ мисолида амалга оширамиз. Мазкур корхона йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш, йўловчи вагонларини тележкаларини ишлаб чиқариш, метро вагонлари тележкалари учун рессор устки балкаси ва рамаларини ҳамда эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ва таъмирлашга ихтисослашгандир.

Қуйида келтирилган 1-жадвал маълумотларига асосан, 2017 йилда корхона ходимларининг ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариши режага нисбатан 10,8 млн. сўмга кўпдир. Ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми саноат ишлаб чиқариш ходимларининг умумий сонига ишчилар салмоғининг ортганлиги учун 1,70 млн. сўмга ва ишчиларнинг ўртача соатлик маҳсулот ишлаб чиқариши ошганлиги боис 258,6 млн. сўмга кўпайган. Унинг даражасига иш вақтининг режадан ташқари бутун кун бўйи ва смена ичида вақт бекор сарф бўлиши салбий таъсир кўрсатган, натижада тегишли равишда 36,7 ва 30,6 млн. сўмга камайган. Шу сабабли таҳлилни шу йўналишда чуқурлаштириш лозим деб биламиз.

Омилларни таҳлил қилиш учун зарур бўладиган бошланғич маълумотлар³

1 - жадвал

№	Кўрсаткич номи	Йиллар							2021 йил режанинг амалдаги билан фарқи (+;-)
		2016	2017	2018	2019	2020	2021		
							Режада	Амалда	
1.	Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми (Мх), млн.сўм	1461,3	1623,1	1954,4	9749,2	9932,3	3907,4	4836,5	929,1
2.	Саноат ишлаб чиқариш ходимлари (Хс)	50	47	53	66	64	56	60	4
2.1	жумладан: ишчилар сони (Ис)	39	35	39	50	48	41	45	4
3.	Саноат ишлаб чиқариш ходимларида ишчилар салмоғи, %	78,0	74,5	73,6	75,8	75,0	73,2	75,0	1,79
4.	Битта ходим ишлаган	262	254	252	248	256	268	252	-16

³“Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ нинг 2016-2021 йил ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.



	кунлар сони								
4.1	жумладан: ишчи ишлаган кунлар (Ик)	258	248	250	242	244	268	248	-20
5.	Иш кунининг ўртача давом этиши, соат (Ик.д)	7,7	7,78	7,72	7,8	7,85	7,95	7,85	-0,1
6.	Барча ишчиларнинг меҳнат сарфи (Хк.с), киши-соат	7747 7,4	6753 0,4	752 70	943 80	9193 9,2	873 54,6	8760 6	251,4
7.	Битта ишчининг меҳнат сарфи (Ик.с), киши-соат ⁴	1986, 6	1929, 44	193 0	188 7,6	1915, 4	213 0,6	1946, 8	-183,8
8.	Маҳсулот ишлаб чиқариш, битта ходимга, млн.сўм (Ии.ч)	29,23	34,53	36,8 8	147, 72	155,1 9	69,7 8	80,61	10,83
8.1	жумладан: битта ишчига (Ии.ч.и)	37,47	46,37	50,1 1	194, 98	206,9 2	95,3 0	107,4 8	12,18
9.	Ишчининг ўртача кунлик маҳсулот ишлаб чиқариши (Ки.ч), млн.сўм	0,15	0,19	0,20	0,81	0,85	0,36	0,43	0,08
10.	Ишчининг ўртача соатлик маҳсулот ишлаб чиқариши (Си.ч), минг сўм	18,86	24,04	25,9 7	103, 30	108,0 3	44,7 3	55,21	10,48
11.	Унумсиз вақт сарфи (Ву), минг сўм*	- 1775, 4	- 1666, 4	- 980, 8	- 670, 2	- 726,0	-	251,4	251,4
12.	Фан-техника технологик тадбирларнинг жорий қилиш ҳисобига режадан ташқари тежалган вақт (Т _в), минг киши соат*	918	1099	612	393	754	-	3532, 5	3532,5
3.	Таркибий силжишлар атижасида товар маҳсулот қийматининг ўзгариши (Тс), млн.сўм*	2 6,30	2 4,35	7,36	26,7 4	1 39,05	5	5 8,04	5 8,038

⁴ Маълумот сифатида: 2014 йил жаҳон мамлакатларининг саноат корхоналарида банд бўлган ўртача битта ишчининг йиллик ишлаган вақти бўйича: 1-ўринда Хитой 2432 соат, 2-ўрин Мексика 2139 соат, 3-ўрин Жанубий Корея 2064 соат, 6-ўрин Россия 1980 соат, 9-ўрин АҚШ 1767 соат, 12-ўрин Буюк Британия 1687 соат, 15-ўрин Германия 1372 соатни ташкил этади. Манба: THE CONFERENCE BOARD, Центр развития ВШЭ, 2015.



**Режага нисбатан фарқланиш*

1 - жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ 2021 йилда 2016 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3 марта ва 2020 йилда 6,8 каррага оширган. Бироқ 2021 йилда 2020 йилга нисбатан мос равишда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 51,3 фоизга ёки 5095,8 млн.сўмга камайган. Мазкур корхонада иқтисодий кўрсаткичларнинг 2020 йилга нисбатан камайишида, аввало корхонанинг дебитор қарздорлиги ошганлиги салбий таъсир кўрсатган. Ходимлар сони 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 4 та камайиб, бу 2016 йилга нисбатан таққослаганда ходимлар сони 10 тага ортган. Ходимлар сонининг ортиши ёки камайиши турли даврларда ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми нисбатининг ўзгаришига таъсир кўрсатган. Жумладан, ўртача битта ходим ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилда 29,23 млн.сўмни, 2019 йилда 147,72 млн.сўм, 2020 йилда 155,2 млн.сўм ва 2021 йилда 80,61 млн.сўмни ташкил этган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига турли омиллар: ходимлар сони, иш кунлари, иш кунининг ўртача давом этиши, технологик янгиланишлар ва бошқа омиллар таъсир кўрсатган. Агар иш кунлари ва иш кунларининг ўртача давом этишига назар ташлайдиган бўлсак, иш кунлари камайиш тенденциясига эга бўлган бўлса иш кунларининг ўртача давом этиши ортганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2016 йилда 7,7 соатни, 2017 йилда 7,8 соат, 2021 йилда 7,85 соатни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 101,9 фоизга ошиб унумсиз вақт сарфи 10 дақиқага камайган. Шу асносида, бу ходимларнинг ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига ижобий таъсир кўрсатган.

References:

1. Абдурахмонов Қ.Х., ва бошқалар. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”
2. (Дарслик). - Т.: “Ўқитувчи”, 2001.
3. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент – “Молия”, 2002.
4. Маҳмудова Д.Х. “Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи ижтимоий омиллар” “Ёш илмий тадқиқотчи” 1-Халқаро илмий-амалий анжумани. Тошкент, апрель 2022 й.
5. Маҳмудова Д.Х. “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи АЖ да меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш” “Таълим фидойилари” (8) 220-229 б. 01.06.2022 й.
6. Маҳмудова Д.Х. “Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектларини қўллаб - қувватлашни янада такомиллаштириш” “Образование и наука в XXI веке” Выпуск №21 (том 2) 2021й.
7. Маҳмудова Д.Х., Суюнов М.Б. “Корхоналарда меҳнат унумдорлигини аниқлаш усуллари ва кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш” ТДТрУ “Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида корпоратив бошқарув моделларининг трансформацияси” “Ёш илмий тадқиқотчи” 1-Халқаро илмий-амалий анжумани. Тошкент, апрель 2022 й.
8. Жалилов А.Х., Маҳмудова Д.Х. “Саноат ишлаб чиқаришда инновацион салоҳиятни шакллантиришнинг назарий-услубий асослари” “Ёш илмий тадқиқотчи” 1-Халқаро илмий-амалий анжумани. Тошкент, апрель 2022 й.